

**Лойиҳа-қидириув ишлари учун  
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 519-Л**

Бухоро шаҳри.

16 ноябрь 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган “Бухоро миңтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК номидан Устав асосида иш юритувчи директор И.Амонов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **УП О'ЗЫО'LLOYINA LOYINA-QIDIRUV INSTITUTI** номидан Низом (ҳамда “\_\_\_\_\_ 20\_\_\_ йилдаги ишончнома) Устав асосида иш юритувчи директори **О.Ражабов** иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 22.04.2021 йилдаги ЎРҚ-684 сонли Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларига асосан куйидаги шартлар асосида мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома шартларига мувофиқ Пудратчи Буюртмачининг топшириғига биноан **“Пешку тумани «Ўғлон» МФЙ Ўғлон, Гулхалон, Хайрохайре қишлоғлари ички йўлларни 4,0 км жорий таъмирлаш”** Объекти (*Лот рақами 22110012182624*) бўйича лойиҳа-қидириув ишларини бажариш, якунда тайёрланадиган техник/лоиҳа/смета ҳужжатларини ўрнатилган тартибда тегишли ваколатли давлат органлари, ташкилотлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, ер участкалари бошқа мулк эгалари, фойдаланувчилари билан ўрнатилган тартибда келишилишини ва бошқа рухсат берувчи ҳаракатларни бажарилишини (экспертизадан ўтказиш, зарур келишувлар в.х.) таъминлаш ва унинг натижасини Буюртмачига белгиланган муддатда топшириш ҳамда ушбу Объект бўйича муаллифлик назоратини олиб бориш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва шартномага мувофиқ келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Ишларнинг мазмуни ва ҳажми, уларга ва натижаларига қўйилган техник-иктисодий ва бошқа талаблар Буюртмаси томонидан берилган Техник топшириқда кўрсатилади.

1.3. Ишларнинг натижаси амалдаги норматив-техник ва ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан шаҳарсозлик, қурилиш, санитария, гигиена, ёнгинни олдини олиш соҳасида қабул қилинган ва лойиҳа-қидириув, пудрат ишларини иштирокчилари томонидан бажарилиши (риоя этилиши) лозим бўлган қоидаларни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси худудида амал қилувчи нормалар, қоидалар, стандартлар, техник шартлар, техник регламентлар, низомлар, йўриқномалар, кўрсатмалар (шу жумладан методик ва/ёки тавсиявий ҳарактердаги), нормативлар ва бошқа номланишдаги ҳужжатларнинг, Ишлар натижасини текшириш, назорат қилиш, келишиш, рухсат берувчи таомилларни амалга оширишга ваколатли бўлган давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ташкилот ва идораларнинг, Буюртмачининг талабларига ҳамда Шартномада кўрсатилган бошқа талабларга мос бўлиши лозим.

## 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ҚОИДАЛАРИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **39 950 000 (Ўттиз тўккиз миллион тўккиз юз эллик минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси “Сўм”да Пудратчининг шартномада тўлов реквизитларига нақдсиз шаклда, пул қўчириш йўли билан амалга оширилади.

2.3. Мазкур шартноманинг баҳоси амалдаги қонунчилик бўйича тўланиши лозим бўлган барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳамда Пудратчининг мазкур шартномани бажариши учун зарур бўлган барча харажатлари (шу жумладан шартномага мувофиқ ва унинг амал қилишининг бутун даврида бажариладиган барча ишлар қийматини, товар моддий бойликлар (материаллар) қийматини, ишчи кучини жалб қилиш ва унинг ҳаққини тўлаш харажатларини, транспорт (махсус) харажатларини, коммунал, қўриқлаш, техника ҳафсизлиги чораларини кўриш, шартномавий мажбуриятларни бажариш ва бошқа ҳар қандай харажатларини) қоплаш учун (Пудратчи томонидан) етарли деб хисоблаб, шартнома имзоланган.

2.4. Пудратчи ишларни бажариш муддатлари ва қийматига таъсир қилиши мумкин бўлган барча ҳолатлар ва шартларни, жумладан, тегишли келишувлар, рухсатномалар олиниши, Давлат экспертизадан ўтказиш, химоя қилиш ишлар қиймати, ишлар якуний натижасини Буюртмачига тақдим қилишга таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа аспектларни, ўзининг харажатлари ва даромадларини

инобатта олган ҳолда ишларни амалга ошириш хусусиятлари ва моҳиятини тўлиқ ўргангандан келажакда мазкур холатлар билан боғлиқ техник топшириқ ва мазкур шартномада назарда тутилмаган (ва юзага келиши мумкин бўлган) ишлар (харажатлар) учун тўловларни (шартнома суммасидан ортиқча миқдорда) талаб қилишга ҳақли эмас.

2.5. Шу билан биргаликда амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда Лойиҳа смета хужжатлари (мантда кейинчалик ЛСХ деб юритилади)ни товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини ва уларнинг нарх параметрларини баҳолаш қисми бўйича экспертиза қилинганда, Пудратчи Буюртмачи билан биргаликда ЛСХни ҳимоя қилиш жараёнларида қатнашади. ЛСХ билан боғлиқ эътиroz ва камчиликлар билдирилган тақдирда, уларни музокаралар жараёнида жойида бартараф қилиш имкони бўлган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида ўз ҳисобидан мазкур камчилик ва эътиrozларни тўлиқ бартараф қилиш мажбуриятини (шу жумладан қайта экспертизадан ўтказиш) зиммасига олади. Бундай холатда «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК томонидан ЛСХнинг товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини ва уларнинг нарх параметрларини баҳолаш қисми бўйича ижобий хулоса берилган тақдирдагина Пудратчининг шартнома бўйича бажарилган ишлари/хизматлари ҳаққи тўлаб берилиши мумкин.

2.6. Пудратчининг айби билан ёки у жавобгар ва/ёки масъул бўлган ҳолат туфайли бажарилган ишлар ҳажми ва қиймати ошиб кетганда уларнинг қиймати Буюртмачи томонидан қопланмайди.

2.7. Буюртмачи Пудратчининг солиқ ва мажбурий тўловларни нотўғри ҳисоблаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

2.8. Шартнома шартлари, техник топшириқ, норматив–техник ва ҳукуқий хужжатлар талабларидан четга чиқилган ҳолда бажарилган ишлар Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида тузиладиган далолатнома билан расмийлаштириллади ва аниқланган камчиликлар, дефектлар бартараф қилинмагунга қадар ишлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

2.9. Шартнома бўйича бажарилган ишлар учун тўловлар **Бюджети** (*молиялаштириши манбаи*) маблағлари (матнда бундан кейин “Бюджет маблағлари” деб юритилади) ҳисобидан амалга ошириллади. Мазкур Шартнома шартларига мувофиқ молиялаштириш манбаидан Буюртмачи томонидан пул маблағлари олиниши ва тўланишини таъминланиши, қатъий равишда тегишли молия йилида “Объект” учун, бюджет тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, тасдиқланган бюджет маблағлари лимитлари доирасида амалга ошириллади.

2.10. Тўловлар амалга оширилган вақт : Буюртмачига “Объект” учун очилган **максус ғазна ҳисоб рақамидан** пул маблағлари ўчирилган сана.

2.11. Пудратчи тегишли йил учун аванс(бўнак) тўловлари амалга оширилмасдан олдин ишларни бошлашга ҳақли эмас. Аванс тўловлари амалга оширилишини кутмасдан бошланган ва бажарилган ишларнинг тўловга қабул қилиниши ва тўловларни амалга оширилиши, тегишли бюджет маблағлари Буюртмачининг ғазна ҳисоб-рақамида шакллантириш (кўчириб берилгунга) муддатига узайтириллади.

2.12. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Пудратчи томонидан тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларидан мавжуд қарздорлик ҳисобига ваколатли солиқ ёки бошқа органлар томонидан ундириб олинган суммалар, Буюртмачи томонидан Пудратчига тўланиши лозим бўлган бажарилган ишлар қийматидан чегириб қолинади.

2.13. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдорида, аванс ўтказди, бу **11985000 (Ўн бир миллион тўккиз юз саксон беш минг сўм)** сўмни ташкил этади.

2.14. Шартнома бўйича аванс тўлов шартнома кучга кирган санадан эътиборан 10 банк иш куни давомида амалга ошириллади. Буюртмачига топширишга тайёр ҳолда бажарилган лойиҳа-смета хужжатлари учун Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 70 % миқдорида тўловларни барча хужжатлар тегишли тарзда расмийлаштириб, тегишли иловалари билан тақдим қилинганидан ва тўғрилиги текшириб қабул қилинган кундан бошлаб 10 банк куни ичida амалга оширади. Шартноманинг молиялаштириш билан боғлиқ барча шартлар ажратилган лимит доирасида (шартноманинг 2.9-банди талабларига риоя қилган ҳолда) амалга ошириллади.

2.15. Жорий ва якуний молиялаштириш бажарилган ишлар сифати ва ҳажми текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириллади.

2.16. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳукуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

2.17. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар қийматини тұлаш учун шартнома тарафлари ўртасыда ўрнатылған тартибда расмийлаштирилған ҳамда имзоланған Форма №5 ҳамда Форма №3 асос бўлади. Ҳужжатлар барча иловалари билан тўлиқ комплект ҳолатда тақдим қилингандан ва Буюртмачи томонидан текширилгандан сўнг, Шартноманинг молиялаштириш шартларига мувофиқ (ажратилған лимит доирасида) молиялаштирилади.

2.18. Пудратчи томонидан Шартнома бўйича бажарилган ишларини Шартнома шартлари, техник топшириқ ва норматив-техник ва ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини текшириш учун, (зарурат бўлганда) Буюртмачи Пудратчи ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари иштирокида назорат/ўлчов тадбирларини амалга оширишга ҳақли.

Назорат ўлчов тадбирларида Пудратчи иштирок қилишдан воз кечиши ёки назорат ўлчов далолатномасини имзо қўйишдан бош тортиши ишларни қабул қилишни ва тўловларни амалга оширишни рад қилиш учун асос бўлади.

Пудратчи назорат ўлчов далолатномасини имзо қўйишдан бўйин товлаган тақдирда, Буюртмачи далолатномани бир томонлама имзолаб, расмийлаштиришга ҳақли. Бундан ҳолатда Буюртмачи ишларни қабул қилишни ва тўлов учун тақдим қилингандан ҳужжатларда кўрсатилған суммаларни тўлашни рад қиласи.

2.19. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар қийматини тўлаш учун тақдим қилған ҳужжатлардаги маълумотлар ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмидан ва шартнома шартларига мувофиқ тўланиши лозим бўлган қийматидан фарқ қилганда, Буюртмачи зудлик билан бу ҳақда Пудратчини огоҳлантиради ва Пудратчи томонидан тегишли тузатишлар ва ўзгартиришлар киритилмагунча ушбу ҳужжатларни имзоламайди.

2.20. Буюртмачининг тўловга тақдим қилингандан ҳужжатларидаги камчиликлар бўйича эътиroz билдириш ҳуқуқи улар имзоланғандан сўнг ҳам (шу жумладан ваколатли назорат қилувчи органлар томонидан назорат/текшириш жараёнида камчиликлар аниқланғанда, сифати ва миқдори бўйича эътиrozлар билдирилганда) сақланиб қолинади.

2.21. Пудратчи томонидан техник топшириқ, норматив-техник ва ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек мазкур Шартнома шартларидан четга чиқиб бажарилган ишлар қиймати, тегишли камчиликлар Пудратчи томонидан тўлиқ бартараф қилинмагунча Буюртмачи томонидан тўланиши тўхтатиб турилади.

2.22. Бажарилган ишлар натижасини қабул қилиш жараёнида ёки ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан аниқланған камчиликлар бўйича Буюртмачи томонидан тегишли комиссия билдирилған эътиroz ва аниқланған камчиликларни ҳамда уларни бартараф қилиш муддатларини кўрсатган ҳолда далолатнома тузилади. Буюртмачи томонидан далолатномада қайд қилингандан эътиrozлар Пудратчи учун мажбурий ва талаб қилингандан муддатларда Пудратчи ҳисобидан бартараф қилиниши керак.

2.23. Пудратчи томонидан бажарилган ишларда Объектни мақсадли фойдаланиш имкониятидан маҳрум қиладиган даражада йўл қўйилған ва/ёки Пудратчи томонидан бартараф қилиб билмайдиган камчиликлар аниқланғанда, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини тўлашни рад қилишга ҳақли.

2.24. Мазкур шартнома шартлари, техник топшириқларида назарда тутилмаган ва Пудратчи томонидан амалга оширилган ишлар қиймати тўлаб берилмайди. Агар ушбу ишларни бажариш натижасида Объект бўйича техник топшириқ талаблари, мақсадлар, ечимларининг бузилишига олиб келган тақдирда, бу камчиликлар Пудратчи томонидан ўз ҳисобидан тузатилади.

2.25. Ишлар Пудратчи томонидан муддатидан олдин бажарилған тақдирда, уларнинг қиймати мазкур Шартнома шартларига мувофиқ, ажратилған бюджет маблағлари лимитлари доирасида тўланади.

2.26. Пудратчи томонидан бажарилған ишларнинг мазкур шартнома шартлари, норматив-техник ва ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқлигини текшириш учун Буюртмачи мустаққил эксперт ташкилотини жалб қилиши мумкин.

2.27. Буюртмачи томонидан бажарилған ишларни қабул қилиш натижаси бўйича амалга оширилған ҳар қандай тўлов Пудратчини бажарилған ишларда аниқланған камчиликларни бартараф қилиш мажбуриятидан озод қилмайди.

2.28. Пудратчи томонидан мажбурият шартлари бажарилмагандан ёки лозим даражада бажарилмагандан, шартнома томонлари ўртасида далолатнома тузилшлари ва ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган неустойка, етказилған зарар суммалари кўрсатилиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳисобланган неустойка ва зарар суммалари Буюртмачи томонидан Шартнома бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тўловлардан ушлаб қолган ҳолда амалга оширилади.

2.29. Якуний ҳисоб-китоб лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича ижобий экспертиза хulosasi олингандан сўнг амалга оширилади. Ижобий хulosса олинмаган тақдирда бажарилған ишлар учун тўлов амалга оширилмайди.

2.30. Ишлар қийматини бир томонлама кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

### 3. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

3.1. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб, кейинчалик ЭАВ га конвертация қилган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

3.2. Пудратчи молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

3.3. Ишларни давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **4** календар кунни **ташкил этади**.

3.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

3.5. “Пудратчи”га боғлик бўлмаган ҳолда “Буюртмачи” томонидан молиялаштириш кечикирилганда ёки бирламчи маълумотлар ўз вақтида тақдим қилинмаган ҳолларда, ишларни давом эттириш муддати молиялаштиришнинг кечикирилган ёхуд бирламчи маълумотлар тақдим қилиниши кечикирилган вақтга мутаносиб тарзда узайтирилади.

3.6. “Пудратчи” мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни бажаришда учинчи шахсларни мустақил равишда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

### 4. ТОМОНЛАР ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. “Буюртмачи” шартнома бўйича аванс тўловларини ўз вақтида амалга ошириши ҳамда топширилган-қабул қилиб олинган ишлар учун мазкур шартномада келишилган тартибда ҳисоб-китоб қилиши; “Пудратчи”дан олинган лойиха-смета ҳужжатларидан фақат шартномада назарда тутилган мақсадларда фойдаланиши, лойиха-смета ҳужжатларини “Пудратчи”нинг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслиги ва ундаги маълумотларни ошкор қилмаслиги; лойиха ишларини бажаришда шартномада назарда тутилган ҳажмда ва шартларда “Пудратчи”га хизмат кўрсатиши, лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни “Пудратчи”нинг сўровига кўра тақдим қилиши; тайёр бўлган лойиха-смета ҳужжатларини тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан келишиб олишда “Пудратчи” билан бирга қатнашиши; тайёрланган лойиха-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан “Буюртмачи”га нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишда қатнашишга “Пудратчи”ни жалб қилиши шарт. Пудратчи шартномани, техник шартлари, норматив-техник ва ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузгарлиги учун Буюртмачи Пудратчини ўрнатилган тартибда қора рўйхатга киритишга, Объект қурилиши билан боғлик оператив шатаб йигилишларига Пудратчи вакили иштирок этишини талаб қилишга ва чақиришга ҳақли.

4.2. “Пудратчи” ишларни лойихалаш хақидаги топшириқ ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ҳамда келишилган график асосида вақтида бажариши, “Буюртмачи” билан бажариладиган ишларнинг (босқичларнинг) натижаларини келишиши; тайёр бўлган лойиха-смета ҳужжатларини “Буюртмачи” билан келишиб олиши, шунингдек, “Буюртмачи” билан бирга тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан келишиб олиши; Бундай келишувлар “Пудратчи” хисобидан ташкилаштирилади ва амалга оширилади. Тайёр бўлган лойиха-смета ҳужжатларини, Буюртмачининг талабига кўра бошқа ҳужжатларни шартномада белгиланган муддатларда “Буюртмачи”га топшириши; Ишчи ҳужжатларни тайёрлашда импорт махсулотлари ва техникаларни ишлатилишини минималлаштириши; бошланғич, бирламчи маълумотларни мустақил олиши; Ишларни бажариш вақтида учинчи шахсдарнинг ҳуқуқлари, шу жумладан интелектурал мулк ҳуқуқларини бузмаслиги; “Буюртмачи”нинг лойиха-смета ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимачалар киритиш тўғрисидаги ёзма кўрсатмаларини, агар ушбу кўрсатмалар мазкур шартномага зид бўлмаса бажариши; Шартноманинг ишларни бажариш билан боғлик барча шартлари, Шартноманинг иловалари билан тўлиқ танишиш ва ўрганиш, ишларнинг амалга ошириш якунлаш муддатлари, қиймати ва сифатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча масалалар бўйича таркиби бўйича ва/ёки кейинчалик курилиш-монтаж ишларини бажариш жараённида аниқланган камчиликлар бўйича асослантирилган талабнома юборилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида камчиликларни лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва уларнинг натижасини Буюртмачига тақдим қилиш учун назарда тутилган тартибда (барча келишувлар, экспертиза в.х.ни бажарган ҳолда) бартараф қилиши, тегишли етишмаятган ҳужжатларни тақдим қилиши; “Буюртмачи”нинг розилигисиз лойиха-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслиги шарт.

## **5. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

5.1. Ишлар бажарилишининг алоҳида босқичларида ва шартномада кўрсатилган ишлар тўлиқ бажарилгандан, ҳамда хужжатларга ижобий экспертиза хуносаси олингандан сўнг “Пудратчи” томонидан расмийлаштириб “Буюртмачи”га топширилиши керак бўлган лойиҳа-смета хужжатлари топшириш-қабул қилиш далолатномаси асосида қозош шаклда ҳамда электрон шаклларда (Microsoft Word, Microsoft Excel, PDF ёки “Буюртмачи” билан келишилган бошқа шаклда) “Буюртмачи”га топширилади. Лойиҳа-смета хужжатлари таркибига Буюртмачининг талабига кўрса муҳандислик, экологик-қидириув ишлари бўйича тайёрланган материаллар (хисоботлар, далолатномалар, баённомалар, чизмалар, экспликациялар, хуносалар в.х.) илова қилиниши лозим.

5.2. “Буюртмачи” ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 5.1. бандида кўрсатилган хужжатларини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни текшириб қабул қиласди.

5.3. Лойиҳа-смета хужжатларини қабул қилиш-топшириш далолатномасининг имзоланиши унга нисбатан барча мутлак ҳуқуқларнинг “Пудратчи”дан “Буюртмачи”га ўтганлигини тасдиқлади.

5.4. “Буюртмачи” ишларни қабул қиласдилигининг асоси ради жавобини берган холда зарур бўлган кўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

5.5. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичидаги уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичидаги ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

5.6. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

5.7. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис экспертларга Лойиҳа бўйича хуносаси учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

5.8. “Пудратчи” ишлаб чиқиладиган лойиҳа-смета хужжатларининг техник топшириққа, техник шартларга, қурилиш нормалари ва қоидаларига, давлат стандартларига, ваколатли ташкилотларнинг таклифларига ва мулоҳазаларига мувофиқлигини ҳамда аниқланадиган камчиликларни ўз вақтида бартараф қилинишини кафолатлади. Техник хужжатларда ва/ёки қидириув ишларида камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланган тақдирда, Пудратчи Буюртмачининг талабига мувофиқ, лойиҳа-смета/қидириув ишларини Буюртмачи белгилаган муддатда ўз ҳисобилен кўшимча лойиҳа ишлаб чиқиши, ўзгартириш, келишиш, ҳимоя қилиш йўли билан камчиликларни бартараф қилиши ва Буюртмачига топшириши, шунингдек Буюртмачининг бу билан боғлиқ харажатларини қоплаши шарт. Аниқланган камчиликларнинг бартараф қилиниши, шартномани бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди. Лойиҳа-смета хужжатларга кафолат муддати – 3 йил.

## **6. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

6.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишида узайтирилади.

6.3. Буюртмачи тўловларни амалга ошириш мажбурияти кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги бюджет (мақсадли жамғармалар) маблағларини тақсимловчи органлар, мансабдор шахслар, ташкилот ва идораларнинг Объект учун молиялаштириш лимитларини ажратиш масалалари бўйича қабул қиласди (ёки қабул қилмаятган) қарорлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолат мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир эса, Буюртмачи Пудратчи олдида бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан, шу жумладан неустойка тўлашдан озод этилади.

6.4. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у ҳолда “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киласди.

6.5. Агар томонлар икки ой ичидаги келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хаклидир.

## **7. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган заарларни коплайди; фуқаролик қонунчилигига хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

7.2. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молиялаштирганинига ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун “Буюртмачи” “Пудратчи”га кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0.1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси тўлови кечикирилган сумманинг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.3. “Пудратчи” ишларни ўз вактида “Буюртмачи”га топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0.1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси топширилиши кечикирилган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

7.4. Пудратчининг вакили, раҳбари в.х.нинг Буюртмачининг вакили (вакиллари, ходимлари в.х.) билан олдиндан тил бириктириб ёки алдов, қистов, кўркитиш, босим ўтказиш ва бошқа турли ноқонуний йўллари билан, амалда бажарилмаган ишлар ҳажмини Форма№5 ва уларнинг қийматини Форма№3 да киритиб, улар учун бюджет маблағларини қабул қилган тақдирда, бажарилмаган ишларнинг қиймати билан бир қаторда ўзганинг пул маблағларидан асоссиз фойдаланганлик учун банк фоизларини Буюртмачига тўлаб беришга мажбур.

7.5. Мажбуриятнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

## **8. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

8.1. Шартномани ижро қилиш жараёнида, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш билан, шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни талабнома юбориш ўюли билан ҳал килинади. Талабнома тартибида ҳал этилмаган низоли масалалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда “Буюртмачи” жойлашган жойдаги ваколатли суд органи томонидан кўриб чикилади ва ҳал килинади.

8.2. Талабномани кўриб чиқиш ва жавоб қайтариш муддати-7 кун.

## **9. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

9.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

9.2. Ишлар бажарилиши даврида “Пудратчи” ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқкан ёки уларни “Буюртмачи”дан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

9.3. Буюртмачи мазкур шартномани қўйидаги ҳолларда бир томонлама бекор қилишга ҳақли: Пудратчи ўз мажбуриятларини Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабаблар билан 30 кун давомида бошламаётганлиги/бажармаётганлиги; Шартнома шартларини бир неча бор бузганлиги; Ишларнинг сифати Шартнома шартлари, техник топшириқ, норматив-техник ва ҳукуқий ҳужжатлар талабига жавоб бермаганда, Буюртмачининг талаби билан камчиликларни бартараф қилиш ҳақидаги талаби 30 кундан ортиқ муддат давомида бажарилмаганлиги; Пудратчига нисбатан банкротлик таомиллари бошланганлиги; тегишли лицензия ва рухсатномаларнинг амал қилиш муддати тугаганлиги, бекор қилинганлиги, ҳақиқий эмас деб топилганлиги; қонунчиликда назарда тутилган бошқа асослар юзага келганлиги.

9.4. Пудратчи мазкур шартнома бўйича ўзининг ҳукукларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, бирон-бир учинчи томонга сотишга ёки бошқача тарзда ўтказишга ҳақли эмас.

9.5. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган, томонлар уларни имзолаган, муҳр қўйилган хамда белгиланган тартибда газначилик органидан рўйхатдан ўтган бўлса ҳакикий ҳисобланади.

9.6. Ушбу шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва уларнинг ҳар бири бир хил юридик кучга эга.

9.7. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача. Шартноманинг амал қилиш муддатининг тугаши шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод килмайди.

## 10. ШАРТНОМАНИНГ КОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

10.1. 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2850-сон билан рўйхатга олинган “Бюджет тизими бюджетларининг Фазна ижроси қоидаларига” ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан, шартнома тегишли тартибда Фазначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ва томонлар учун мажбурий бўлади.

#### 11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

## Бюортмачи»

**«Бухоро МИБХ» ДУК**

Манзили: Бухоро ш. Оқ масжит кўчаси 8-ий

Телефон : 95-420-40-60

Телефон : 95-420-40-00  
Ш.х/р: 30182186006401704512918212

ш.к.р. 10/1

ИФУТ 70100  
Газначилик булинмаси номи: Бухоро Вилоят Газначилик

## бошқармаси

Газна х/в 23402000300100001010  
Банкнинг номи: Тошкент ш. Марказий банк ЎККА

MFO 00014

Газначилик бўлинмаси СТИР 201122919

«Пудратчи»

# УП О'ЗЫЛЛОЙИА ЛОЙИХА-КИДИРУВ INSTITUTI

Директор: И.Амонов  
М.В.

“Бухоро МИБХ” ДУК  
Бош хукуқшуноси : У.У.Хамидов  
Гувохнома ЮОК №006164,  
Бухоро вилоят Адлия бошқармаси томонидан  
25.02.2022 йилда берилган.

Директор в.б.  
М.У.

The image shows a blue ink impression of a circular official seal. The outer ring of the seal contains the text "NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN" in English and "NATSIONAL'NYY UNIVERSITET OZBEKISTANA" in Russian. The inner circle features a portrait of a historical figure, likely Abu Ali Sina (Avicenna), with the text "AVICENNA" at the bottom. To the right of the stamp, there is a handwritten signature in blue ink, which appears to be a name or title, followed by a blue ink impression of a signature.

